

ISSN 2181-7324

ЎЗМУ

ХАБАРЛАРИ

№ 1/2 ✧ 2016



*Ижтимоий-
гуманитар
фанлар
йўналиши*

*Направление
социально-
гуманитарных
наук*

*Social-
humanitarian
sciences*



ВЕСТНИК НУУЗ ✧ АСТА NUUZ

ЎЗМУ ХАБАРЛАРИ

ВЕСТНИК НУУЗ

АСТА NUUZ

МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ
УНИВЕРСИТЕТИ ИЛМИЙ ЖУРНАЛИ

**ЖУРНАЛ
1997
ЙИЛДАН
ЧИҚА
БОШЛАГАН**

**2016
1/2**

**Ижтимоий-
гуманитар
фанлар
туркуми**

Бош муҳаррир:

Ш.С. СИРОЖИДДИНОВ – фил.ф.д., проф.

Бош муҳаррир ўринбосари:

А.Х. ХАЙТБАЕВ – к.ф.н.

Таҳрир хайъати:

Муртазаева Р.Х. – т.ф.д., проф.

Юнусова Х.Э. – т.ф.д.

Кобзева О.П. – т.ф.д.

Одилов А.А. – т.ф.н., доц.

Тўйчиев Б.Т. – ф.ф.д., проф.

Нурматова М.А. – ф.ф.д.

Абдусамедов А.Э. – ф.ф.д., проф.

Қурбонов М. – п.ф.д., проф.

Мардонов Ш.Қ. – п.ф.д., проф.

Ғозиев Э.Ғ. – псих.ф.д.

Мўминов А.Ғ. – с.ф.д.

Ганиева М.Х. – соц.ф.д., проф.

Холманова З.Т. – фил.ф.д., проф.

Каримов Б.Н. – фил.ф.д., проф.

Менглиев Б.Р. – фил.ф.д., проф.

Жабборов Н.А. – фил.ф.д., проф.

Халикова М.И. – фил.ф.н.

Маматова Ё.М. – фил.ф.д., проф.

Сиддикова И.А. – фил.ф.д., проф.

Маъсул котиб: **К. РИХСИЕВ**

ТОШКЕНТ – 2016

МУНДАРИЖА

Тарих

Ахмедов Ж.З., Мухамедова М.С. Болалар музейи – маънавий тарбия маскани.....	4
Инсопов А.А. Ўзбекистонда атроф-муҳит муҳофазаси, аҳоли соғлигини сақлашда давлат ва нодавлат ташкилотлар ижтимоий шериклиги	7
Қаршиев Р.М. Навоий шахрининг истикболи: кеча ва бугун	10
Кличев О.А. Л.А. Зиминнинг Бухородаги изланишлари	13
Қурбанова Д. Қадимги Хоразм маънавий-маданияти ривожланишининг тарихий омиллари	16
Мамамадинова Б.А. Хоразм Халқ совет республикасидаги ижтимоий ва иқтисодий ислохотларнинг бориши	21
Нарзуллаев Ҳ. Самарқанд Суғдининг тарихий географик чегаралари таҳлили	24
Норматов О.М. Фарғона водийсида кишлоқ хўжалиги ривожланиши тарихининг айрим жihatлари хусусида	28
Пўлатов Ю.Э. Ўзбекистон қоятош суратларида ов ва жанг қуроллари тасвирларининг тарихий-киёсий таҳлили	31
Рахматов М. 1917 йилдаги сиёсий воқеаларнинг Туркистон ўлкаси иқтисодиётига таъсири	34
Саипова К.Д. Формы и методы работы Турккомнаца среди национальных меньшинств ТАССР	37
Тўраев Ш. Марказий Осиё ва Шарқ элатларининг Қадимги ва Ўрта асрлар даври маданий алоқалари ҳақида айрим мулоҳазалар	43
Худаяров У. Собик СССР инкирози арафасида Ўзбекистон аҳолисининг турмуш-тарзи ва ижтимоий ҳаётида юзага келган муаммолар.....	47
Шаякубов Ш.Ш., Махаммадиев А.Т. Суғдий ёзма ёдгорликлар Суғд конфедерацияси сиёсий муносабатларининг манбалари сифатида	51
Эшов Б.Ж. Фарғона водийсининг қадимги шаҳар маданияти тарихи масалалари бўйича айрим мулоҳазалар	55
Яркулов А. Нахшаб қулоччилик ҳунармандчилиги ва тарихий тараккиёт	61

Фалсафа

Абдимуратова Н.П. Технология внеаудиторных занятий для будущих учителей английского языка по профессионально-профильной социально-культурной компетенции.....	67
Абдуазимова З.А. Эстетика фанининг долзарб муаммолари.....	74
Абдуллаев С.У. Аҳоли бандлигининг изчил ислохотлари ва ижтимоий сиёсат.....	77
Абдумаликов А.А. Глобаллашув жараёнида ёшларни бузғунчи ғоялардан ҳимоялашнинг объектив зарурияти	81
Арзиматова И. Санъатнинг эстетик хусусиятлари Марказий Осиё мутафаккирлари қарашларида	84
Атоева М.Ф. Электромагнетизм бўлимини даврийлик технологияси асосида ўқитишнинг дидактик имкониятлари	86
Ахмедова М. XIX аср Хоразм мутафаккирлари дунёқарашининг фалсафий асослари ва ғоявий манбалари.....	90
Бахридинов З.Ш., Мухаммадиев Г.М. Ўзбекистон Республикаси олий ҳарбий таълим муассасаларида автомобиль техникаларини ўрганишда замонавий инновацион технологияларнинг ўрни.....	93
Гаибназарова С.Э. Ёшларда миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенглик туйғуларини шакллантириш миллий ғоя методологик манбаси сифатида.....	97
Гафуржанов Ф.С. Формирование здорового поколения – основа прогресса и благополучия общества.....	100
Жумакулов З. Спорт қураши турларида умумий ва махсус тайёргарлик шакллари.....	102
Жўракулов Ф.Н. Ҳокимиятлар бўлиниши ва вазифалар тақсимланиши	106
Зарипов О.М., Авезов Х.И. Шахснинг ахборот-психологик хавфсизлиги ва мафқуравий иммунитетни шакллантиришнинг айрим жиҳатлари	110
Кобилджанова Т.А. Культурное наследие и культурный терроризм	113
Қулматов А.А., Ҳайдаров С.М. Аралаш иқтисодиёт шароитида кичик бизнесни ривожлантиришнинг хорижий тажрибаси (Иордания мисолида).....	116
Қурбаналиева Ҳ.И. Ўзбекистонда кичик ва ўрта шаҳарларни ривожлантиришнинг аҳамияти	120
Максудова Х.Х. Миллатлараро муносабатларда миллий ва умуминсоний қадриятлар диалектикаси	122
Мамадиева Н.Х. Алишер Навоий фалсафасида ахлоқ масалалари.....	125
Маматқосимов Ж.А. Умумий ўрта таълим ва касб-ҳунар коллежлари ўқувчиларида номоддий маданий меросни муҳофаза қилиш имкониятлари (миллий истиклол ғояси фани мисолида)	128
Матибаев Т. Ўрта мулкдорлар қатламининг шаклланиши жамиятда ҳамкорликни мустаҳкамлашнинг ижтимоий асоси сифатида.....	133
Мирзаахмедов К. Марказий Осиё халқларида давлат бошқарув тизимининг шаклланиш эволюцияси.....	136
Мирзаев А.М. Болалар ва ўсмирлар спорт мактабларидаги белбоғли қураш машғулотларида жисмоний сифатларни ривожлантириш	141
Мирзакулов Ш.А. Методика силовый подготовки юных белбоғли қурашистов 12-13 лет.....	143
Мусаев О.Р. “Этнос” ва “Миллат” тушунчаларининг айрим фалсафий талқинлари.....	148
Турабов М.Т., Назаров Н.А. Таълим оловчилар техник ижодкорлигининг мазмуни ва уларни ташкил этиш	153

Норкулов С.Д. Моддий ва маънавий ҳаёт уйғунлиги – жамият тараккиётининг омили	156
Парпиева Ш. Ўсмирлик даврида ўзини ўзи баҳолаш динамикаси	160
Позилова Ш.А. Электротехника ва электроника асослари фанининг юкори малакали офицер кадрлари тайёрлашдаги аҳамияти	164
Расулов А.И., Азизова Ш.В. Психологик тестларни татбиқ этиш хусусиятлари	167
Раҳимов И., Абдуразаков Ф. Глобаллашув шароитида маънавий-мафкуравий таҳдидлар кўринишлари ва унга қарши курашнинг усул ва воситалари	170
Раҳманов Б. Инсон ўз-ўзини ташкиллаштирувчи тизим сифатида	173
Рустамов И. Ибн Синонинг фалсафий мероси	177
Сатомова Г.Ш. Маданиятлараро компетентликнинг шарқона илдишлари	179
Садиков И. Б. “Интеллектуал маданият” тушунчасининг ижтимоий-фалсафий мазмуни	185
Ғринов У.А. Касб-хунар таълимида корпоратив ҳамкорлик доирасида ўқувчиларнинг касбий кўникма ва кўникмаларини шакллантириш методикаси	188
Ҳамидова Ф. Ҳуқуқий таълим ва тарбияда педагог маҳорати	192
Ҳамидова Г.И. Ҳарбий хизматчиларни тарбиялашнинг педагогик ва психологик хусусиятлари	194
Ҳамидулова Ф.Х. Дунё педагогикаси: уйғунлаша олмаётган таълим ва тарбия	196
Ҳайитова Д.А. Педагогик технология бўйича ўқув машғулоти лойиҳалаш	198
Эргашева М.Х. «Авесто»ни ўрганишда синергетик ва тизимли ёндашувларнинг методологик қўлланмалари	202

Филология

Абдуллова М.К. [WF] - Синтактик курилманинг структураси (таркиби)ни белгилайдиган лисоний бирлик рақси	205
Абдуллаева Д., Акбарова М. Тарихий ҳикояларда ўтмиш воқелигининг реал тасвири	209
Абдураҳманова Р.К. Дейксис тил тизимида коммуникатив ҳаракатни мувофиқлаштирувчи омил сифатида (Ўзбек за немис тиллари мисолида)	212
Адилова Ш.Р. Оммавий беллетристиканинг адабий жараёндаги ўзига хос ўрни	215
Абдуллаева Н. Зикрларда руҳият тасвири ва ритм	218
Ахмедов Р.М. Ноядровий аппозитив предикатив бир компоненти ўрнида келган уч валентли синтактик бирликлар ифодалаган синтаксемалар	222
Валиев Т. Тилда полифункционаллик талқинига доир	227
Гаффарова М.А. Конструкции с парцелляцией сложносочиненных предложений в повести С. Довлатова «Иностранка»	230
Додиева Н. Инглиз тилидан қилинган билвосита ва бевосита бадиий таржималар тарихига бир назар	233
Доматов Х. Аския матнларида товуш алмаштириш, орттириш ва тушириш	236
Жафаров Б. “Кодекс Куманикус” топишмоқларининг ўзига хос хусусиятлари	239
Жамалова М.А. The stylistic problems of translating novels	242
Заскина Ю. Телеангликлар дастури бошловчисининг аудиторияга самарали таъсир кўрсатиш методлари	245
Iskenderova Z. Ways of attitude towards students in a multicultural classroom	248
Yuldasheva D.N. Ona tili ta’limining yangilangan maqsadi davr ehtiyojlariga hamohangdir	251
Достова Н.М. Жанр семейной хроники в современной Американской литературе	255
Маликова Д. Эртақларда контаминация ҳодисаси	257
Марсимова Ғ.К. Аспектуалликнинг прототип назарияси	261
Радиков Ғ.Х. Хорижий тилда мулоқот жараёнида ҳурмат категориясининг воқеланиши	266
Радикова Ф.М. Коммуникативное изучение, обучение и оценка иностранных языков на основании нового ГС	272
Радикова К. Тилда ижтимоий-маданий хусусиятларнинг акс этиши	275
Сафаров О. Риторика ва таржима масалалари	277
Salmova N.M. On the problem of teaching English using modern methodology	282
Сайбона А. Маънавий сўзи билан боғлиқ лексик бирликларнинг семантик майдони ва уларнинг лингвистик хусусиятлари	285
Темирова М.А. Ўзбек ва қирғиз халқ мақолларининг аналогик хусусиятлари	288
Темирова Г.И. Фатика ва фатик мулоқот турлари	291
Тўракулова З. Олий таълимда инглиз тилини ўқитишга доир вазифалар хусусида	295
Тўраева М.В. Teaching English with the help of songs	297
Тўраева Р.М. The effectiveness of teaching English vocabulary using games	300
Хасанов С.А. Инглиз тили глобализациянинг субъекти сифатида	303
Шамсиева М.Б. Тил воситаларидан фойдалана билиш даражасини баҳолаш методлари (психолингвистик қўлланмадан намуна)	306
Шукурова З.С. Замон когнитив структура сифатида таржимада берилиши	309
Элчибердиева Г.М. Интерпретация образа пери в дастане “Хурилик и Хамро”	315
Мирзахалова З.А. Юсак маънавийли кадрлар тайёрлаш – демократик ислохотларнинг муҳим омили	317

НАХШАБ КУЛОЛЧИЛИК ХУНАРМАНДЧИЛИГИ ВА ТАРИХИЙ ТАРАҚҚИЁТ

Яркулов А. *

РЕЗЮМЕ

Нахшаб – Ўрта Осиёнинг тарихий вилоятларидан бири ҳисобланади. Бу ўлка Қашқадарё водийсида. Яқин ва Ўзбек шарқ савдо йўлларининг чорраҳасида жойлашган. Мақолада муаллиф илк ўрта асрларда Нахшаб кулолчилиги хунаرمандчилиги ривожланиши ва тарихий тараққиёти хақида ўз фикр-мулоҳазаларини баён этган.

Калит сўзлар: Ўрта Осиё, Нахшаб, ипак йўли, кулолчилик, илк ўрта асрлар, хунаرمандчилик, тарихий тараққиёт, ангоб, Сўғд, эфталлийлар, симбиоз.

Ўрта Осиёнинг марказий ва жанубий худудларидаги йирик шаҳарларини антик давр катламларида, яъни милоднинг IV асригача бўлган даврда ҳали эллинизм даврида шаклланган кулолчилик хунаرمандчилиги аъёнлари ҳукм сурур эди. Жумладан, фақат Ерқўрғонда эмас, балки Қарши воҳасининг бошқа шаҳар ва қишлоқларида ҳам антик дунёда тарқалган идишлар ишлаб чиқариш урфи кенг тарқалган эди. Худди шундай маконлардан бири Муйдинтепа ёдгорлиги бўлиб, унда казишма ишларини олиб борган С.К.Кабанов Муйдинтепа II катламларида кулолчилик чарҳида юпка қилиб тайёрланган идишларни жуда кўплаб учрашини ёзган. Уларнинг ичида, айниқса, жуда нозик қилиб ясалган қадахларни кўрсатиш мумкин. Қадахларнинг юкори қисмини тўғри, айримларини эса четга томон бироз қайрилган шаклда тайёрлангани, идишнинг ташқи ва ички томонидан қизил ангоб билан бўялгани тўғрисида ёзган [12].

Ерқўрғондан топилган эллинизм даври сополлари Қашқадарёнинг юкори оқимидаги Китоб шаҳри ўрнидаги ёдгорлик катламларидан ҳам топилган. Бу ёдгорликни қазиган Н.И.Крашенинникованинг фикрига кўра, ёдгорликнинг 8. 9-шурфларидан ҳам цилиндро-конус шаклидаги, ҳам лола гули шаклидаги қадахлар топилган [14]. Бундай қадахлар иккита шурфдан топилган ва сўзсиз иккита биринкетин келадиган даврларга тўғри келишини М.Х.Исомиддинов ва Р.Х.Сулаймоновлар ҳам таъкидлашган [11].

Китоб ёдгорлиги билан Ерқўрғон VI катламларидан топилган кулолчилик буюмлари ўртасидаги ўхшашлик фақат цилиндро-конус шаклидаги ёки лола гули шаклидаги қадахлардагина эмас, балки бутун бошли кулолчилик комплексларини бир-бирларига ўхшашлигида шундоқкина кўриниб турибди.

Худди шундай ўхшашликни Афросиёб билан Ерқўрғон ёдгорлигини кулолчилик маҳсулотларини солиштирганимизда ҳам жуда яққол кўринади. Афросиёб ёдгорлигида стратиграфик казишмалар олиб борган С.К.Кабановнинг келтиришича, милоднинг II – III аср катламларидан жуда чўзиқ қилиб ишланган ва қичкинагина тагликка эга бўлган, устидан қора ангоб билан бўялган қадахларни шу давр катламларига ҳослиги тўғрисида фикр юритали [13].

Бухоро воҳасидаги кулолчилик буюмларини солиштирганимизда бир томондан эски аъёнлар сакланиб қолганлиги билан бирга жуда кўплаб янги,

иллари бу ерларга ҳос бўлмаган идишларнинг янги шакллари пайдо бўлганлигини кўраимиз [21]. Эски аъёнларнинг энг яқини бу антик даврнинг кулолчилик буюмларини қизил, жигар ранг ёки қора ранг билан бўяш одати бўлиб, бу одат Бухоро, Қашқадарё, шунингдек Самарқанд воҳаларида ҳам бирдай кенг тарқалган эканлигини кўрсатади. Шу билан бирга, Бухоро воҳасининг эллинизм даври кулолчилик маданияти аъёнларида эски идиш турларини сакланиши билан бирга шимоли-шарқий худудлардан янги шаклдаги идишларнинг кириб кела бошлаганини кўриш мумкин [30]. Сўғднинг ҳар учта худудидан ташқари Амударёнинг ўнг қирғоғи, ҳозирги жанубий Тожикистон, Ўзбекистоннинг Сурхондарё вилояти, Амударёнинг ўнг қирғоғидаги худудларда ҳам антик дунё аъёнлари жуда яхши сакланган эди.

Сўғд билан Тохаристон кулолчилигини бир-бирига синхрон ривожланганлигини ўша даврда идишларнинг ўтки юзасидан тўлқинсимон шаклда қизиб нақш солиш одати ёки учбурчакларни қизил одалари кенг тарқалганлигини кўрсатувчи жуда кўплаб мисолларни биламиз. Жанубий Тожикистоннинг Яван ёдгорлигининг VIII – X катламларида на тўлқинсимон, на учбурчак шаклидаги нақшлар учрамаган бўлса ҳам, VII катламдан бошлаб йирик идишларнинг ташқи томонидан тўлқинсимон қилиб қизилганлари пайдо бўла бошлайди [9].

Шундай қилиб, қадимги замонлардан Ўрта Осиёнинг эллинизм маданияти тарқалган қадимги худудларида милоднинг IV асрларига қадар ҳам кулолчилик маҳсулотларини ишлаб чиқаришда ўша эски аъёнлар доимо устиворлик қилиб келган. Бу аъёнлар энг аввало идишларнинг умумий шаклини ўша қадимги эллинизм даври идишларига ўхшашлигида, айниқса, ташқи ва ички томонидан берилган бўёкнинг (қизил, оч жигар ранг ёки қора ранг) бир хилда тарқалганлигида кўринади.

Бундай турли худудлардаги кулолчилик буюмларининг ўхшашлиги эллинизм маданияти давридан қолган ва халқларнинг қўндалик турмуш тарзига сингиб кетган, кулолчилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш бўйича шаклланган мактаблар даражасида яратилган маҳсулотлар эди.

Милоднинг IV асри ўрталаридан бошлаб шароит ўзгарди. Ўрта Осиёнинг жанубий қисмларидаги қадимги деҳқончилик қилинадиган худудларига Сирдарёнинг ўрта ва қуйи оқимлари ҳамда унинг нариги томонларидан қорвадор аҳолининг кириб келабошлаганлигини кўраимиз. Бу

* Яркулов А. – Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш илмий-ишлаб чиқариш Бош бошқармаси Археология ва ЮНЕСКО билан ишлаш бўлими бошлиғи.

аҳолининг энг дастлабкилари хионийлар, кидарийлар, эфталлийлар ва исломгача бўлган даврда келган чорвадор кабилаларнинг сўнггиси турклар эди. Улар тўғрисидаги маълумотлар барча тарихий адабиётларда баён этилган.

Нима бўлганда ҳам милоднинг IV асрлари ўрталаридан бошлаб факат Нахшаб ҳудудидагина эмас, балки унинг атрофларида ҳам кулолчилик маҳсулотларини таркибида катта ўзгаришлар бўлганлигини кўрамыз. Қашқадарё водийсининг ҳам қуйи, ҳам юқори окимида кулолчилик маҳсулотларининг кўполлашганлигини, энг биринчи навбатда, сопол идишларнинг таркибида қўлда ясалган идишларнинг сонини кўпайганлигини кўрамыз. Бу идишларнинг пайдо бўлишини кўпчилик олимлар Тошкент воҳаси ва умуман Сирдарёнинг ўрта окими атрофларида шаклланган қовунчи маданиятининг таъсири билан боғлашади.

Шу давргача Сирдарёнинг ўрта оқимларида шаклланган қовунчи маданиятини IV асрдан Сўғд ва айникса Фарғона водийсига таъсири анча катта бўлганлигини алоҳида таъкидлашимиз керак [29]. Шу ҳудудларни археологик комплексларида ҳақиқатдан ҳам қовунчи маданиятини таъсирини катта бўлганлигини, айникса бу таъсир қўлда тайёрланган идишлар сонининг кўпайганлигида яхши кўринади.

Аҳолининг Сирдарё бўйларидаги дашт ҳудудларидан Сўғд ва Хоразм орқали Ўрта Осиёнинг бошқа деҳқончилик ҳудудлари томон кириб келиши бу анъанавий чорвадор аҳолининг йўллари ҳисобланади. Қадимдан айнан шу йўллар орқали чорвадор кабилаларининг кириб келиши кузатишга ва бу анъанавий тусга кирган эди. Шунинг учун ҳам айнан шу йўллар орқали келадиган чорвадорларнинг йўлига қарши деҳқончилик воҳаларининг чегараларида муодофаа деворлари ва ҳарбий қалъалар қурилган [2].

Ўтган асрнинг 30-40 йилларида Тошкент воҳасида археологик изланишлар олиб борган В.Г.Григорьев ва А.И.Тереножкин [26] биринчи марта бу ҳудуд учун археологик даврлаштириш ишларини ўтказдилар ва “қовунчи маданияти”ни ажратишга муваффақ бўлдилар. Албатта, ўша даврдаги археологик даврлаштириш бўйича қилинган ишлар биринчи марта амалга ошган бўлганлиги учун хато ва камчиликлари бор эди. Бу камчиликлар ўз пайтида бахс ва мунозараларга сабабчи бўлди [24, 25, 27].

Милоднинг IV асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб Нахшаб ва Самарканд воҳасида кулолчилик ҳунаремандчилигида кенг тарқалган маҳсулотлардан яна бири бу йирик чапя, кўза каби суюқлик қуйиб турли мақсадларда ишлатиладиган идишларни жумрагини ойнахоесимон шаклда ясашиш одатини кенг микёсда кириб келганлиги бўлди. Бу идишларнинг ёрқин намуналари фақат Нахшаб ва унинг атрофларидагина эмас, балки Самарканд воҳасида ҳам кенг тарқалган эди [7]. Бу нарса Сирдарё бўйларидан кириб келган аҳоли Қашқадарё ҳамда Самарканд воҳасига жойлашганлигини билдирадиган белгилардандир. Бундан ташқари, бир хил кулолчилик буюмларининг ҳар икки воҳада

тарқалиши, уларнинг ўртасида жуда қалин ҳам иктисодий, ҳам сиёсий алоқалар бўлганлигидан далолат беради.

Бу даврда жуда кенг тарқалган идишлардан яна бири қўлда тайёрланган қозонлар бўлиб, бу идишларни тайёрлаш техникаси диққатга сазовордир. Чунки, уларни тайёрлашда остки қисми махсус идишда тайёрланиб олинган. Шунинг учун деярли ҳамма қозонлар шу усул билан тайёрланганлиги сабабли бу идишларнинг таг қисмлари идишнинг қилип сифатида ишлатилиб тайёрланганлигида биллиниб турибди. Қозонларнинг бел, бўйин, ҳамда лаб қисмларини тайёрлашда лента шаклидаги тасмаларни бир-бирларига улаш усули билан тайёрланган. Худди шундай усуллар билан тайёрланган қозонлар Қарши воҳасининг жуда кўплаб V – VI аср ёдгорликларидан ташқари Зарафшон воҳасининг илк ўрта аср қатламларидан ҳам топишган. Буларга мисол қилиб Панжикент ёдгорлигининг қуйи қатламларидан топишган кўплаб идишларни мисол қилиб келтириш мумкин.

Аммо шу нарса ҳам аниқ-ки, Нахшаб ва унинг атрофларидаги қўшни ҳудудларда барча қозонларнинг таг қисми думалоқ шаклдаги идишларда тайёрланганлиги туфайли идишларнинг тагини атроф қисми думалоқ шаклдандир. Бундан фарқи ўлароқ Сирдарё бўйларидаги ҳудудларда тайёрланган барча идишларнинг таг қисми текис қилиб ясалган ва уларнинг дасталари ярим ой шаклида ясалган [15]. Бу нарса ҳар икки ҳудуд ўртасидаги кулолчилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш технологиясидаги катта фарқни кўрсатади.

Ҳар икки ҳудуд ва ҳар икки маданият ўртасидаги яқинликни кўрсатадиган яна бир белги бу қозонларнинг ва чапьяларнинг дастасини тагидан бутун белигача тўлқинсимон шаклда айлангириб ёпиштирилиб чиқилган “накш” бўлиб, мутахассисларнинг фикри бўйича бунини маъноси, албатта, қўйнинг шохини символик тасвиридан бошқа нарса эмаслигини кўрсатади [15].

Навбатдаги ҳар икки ҳудудни кулолчилик маҳсулотларини яқинлигини кўрсатадиган яна бир белги идишларнинг қопқоклари бўлиб, бундай қопқоклар ҳар икки ҳудудда ҳам ясси шаклда, қўлда тайёрланган ва албатта, бармоқни босиш усули билан амалга оширилган [15].

Кейинги ҳар икки ҳудуд ўртасидаги маданиятни бир бирига яқинлигини кўрсатадиган яна бир белги бўлиб, бу ҳар икки воҳадаги иситиш учун қўлланиладиган идишларни (жаровия) деярли бир хил шаклда ишлаб чиқилганлигидадир. Бу идишлар ҳар икки воҳада ҳам доимо ясси шаклда ишлаб чиқилган бўлиб, унчалик баланд бўлмаган деворга эга эканлиги билан ажралиб туради [15]. Аммо Қарши воҳаси кулолчилиги маҳсулотларини ажратиш турадиган яна бир белги бор-ки, у ҳам бўлса ўша иситиш учун ишлатиладиган идишларнинг четларига кўпроқ ҳайвонларни тасвирлари ёпиштирилиб қўйилган бўлганлиги билан фарқ қилар эди. Шунга қарамай, Қарши воҳасида тайёрланган, иситишда ишлатиладиган идишларни жеттиасар ва қовунчи маданиятларидан яна бир фарқи шундан иборат-ки, идишларнинг

ички қисмини тўсиклар билан тўрт қисмга бўлинганлигидир. Бунинг устига худди ўша тўсикларнинг бурчак қисмларига турли ҳайвонларни тасвирларини туширилиши билан бирга лойдан учи учли қилиб ясалган ёпиштирикларни ёпиштирилганлигидир.

Лекин кулолчилик маҳсулотларини ишлаб чиқаришдаги ҳар қандай яқинликнинг биронтаси ҳам илоҳий аҳамиятга эга бўлган кулолчилик маҳсулотларини ишлаб чиқаришдагидай аниқ этник яқинлик аломатларини бермайди. Бундай маҳсулотлардан бири бу ўчоқларни ёнига, қозон ва қумғон каби идишларни остига қўйиладиган тагликлар бўлиб, улар ҳар икки воҳада ҳам қўйнинг боши тасвирида ясалар эди. Албатта, бундай буюмлар Қарши воҳасида Бухоро ёки Самарқанд воҳасидагидай қуш миқдорда тайёрланмаган бўлса ҳам, аммо бундай топилмаларнинг миқдоридан қатъий назар топилганларининг ўзи ҳар икки ҳудуд ўртасидаги маданий бирликнинг шаклланишида қовунчи маданияти турганлигини кўрсатувчи муҳим белги бўлиб хизмат қилади [19].

Қарши воҳаси кулолчилигидаги бир қатор бясгиларни Қуйи Сирдарё воҳасидаги Жеттиасар маданиятида кенг тарқалганлигини кўриш мумкин. Бу зардуштийликда кенг миқёсда қўлланилган оташдонлар ёки икрикдонлар бўлиб, бундай идишлар тўғрисида бир қатор олимлар ўз ишларида маълумотлар келтирадилар [28, 15]. Ҳатто ҳар икки воҳадаги оташдонларни ташки томонига лойдан учли тикандай қилиб ёпиштирикларни ёпиштирилганлиги ҳар икки воҳанинг ҳам маданиятини бирлигидан гувоҳлик беради.

Шундай қилиб, Қарши воҳаси билан биргаликда Самарқанд ва Бухоро воҳаларида ҳам IV асрнинг иккинчи ярмидан катта ўзгаришлар бўлганлигини айнан кулолчилик ҳунармандчилиги маҳсулотларидан биламиз. Айнан шу даврдан бошлаб кулолчилик маҳсулотларини ишлаб чиқаришда асосий эътиборни кўпроқ қўлда ясалган идишларни ишлаб чиқаришга қаратилганлигини, айнан шундай қўлда тайёрланган идишларни ҳам шакли, ҳам тайёрлаш услублари ва айниқса ўша тайёрланган идишнинг символик белгисини яқинлиги бу ҳар икки воҳа халқлари ўртасидаги диний-илоҳий яқинликни ҳам кўрсатади.

Сўғднинг кулолчилик маҳсулотларини ишлаб чиқаришдаги яна бир катта ўзгариш, тўнтариш қилинган давр VI – VII асрлардан бошлаб кузатилади. Бу даврдаги кулолчилик маҳсулотларини ишлаб чиқаришда янги технологияни кириб келиши билан боғлиқдир. Ҳамма гап шундаки, айнан шу даврдан бошлаб жуда катта ҳудудларда қумушдан ясалган идишлар қўллаб тарқалади. Худди шундай қумушдан ясалган идишлар кенг тарқалган ҳудуд Сўғд эди [16].

Аммо қумушдан тайёрланган идишнинг жуда қимматлиги туфайли уни кенг халқ оммаси сотиб олиш қудратига эга эмас эди. Шунинг учун жуда катта ҳудудларда, айниқса, Самарқанд Сўғди ҳудудида сопол идишнинг юза қисмига идишни лойи ҳали қуриб улгурмаган бир пайтда слюда (қумуш рангли ялтироқ тош)ни туйиб идишнинг юза

қисмига сепилган. Натижада бу идиш офтобда қуритилиб, ҳумдонда қуйдирилгандан кейин ҳам худди қумуш идишдай ялтироқ ҳолга келган. Худди шундай майдаланган слюда сепилган идишлар тайёрланадиган йирик кулолчилик маркази Самарқанд Сўғдига қарашли Кофирқалъа ёдгорлигида эди. Юза қисмига слюда сепилган идишлар Ерқўрғоннинг ташлаб кетилган ибодатхонасининг харобаларидан, шунингдек бу даврда кулоллар маҳалласи факат шаҳарнинг энг жанубий қисмида сақланиб қолганлиги учун айнан ўша ердаги кулол хонадонидан ҳам топилди. Демак, Сўғд ҳудудидаги асосий қумуш идишларга тақлид қилиб кулолчилик маҳсулотлари тайёрланадиган Кофирқалъа кулолчилик мактабини ишлари, Нахшаб бозорларида маълум ва машҳур бўлганга ўхшайди. Аммо худди шундай идишлар бу ҳудудда ҳам ишлаб чиқарилганми ёки йўқми? деган саволга албатта жавоб бериш қийин, аммо худди шундай идишнинг парчасини Ерқўрғоннинг кулолчилик устахонасининг уйидан топилганлигига қараганда бу ҳудудда ҳам слюда сепиб тайёрланган идишлар кенг қўламда бўлмаса ҳам ҳар ҳолда ишлаб чиқарилганга ўхшайди.

Албатта, бундан идишларнинг ҳамма турларини юза қисмига слюда сепиб қумуш идишларга тақлид қилинган экан, деган фикр уйғунмаслиги керак. Чунки ҳамма идишлар ҳам қумушдан ёки олтиндан ясалмаган. Ўша даврдан қолган қумуш ёки олтиндан, асосан, коса, кружка, қўза, лаган, ваза, каби идишларни яшаш одати кенг тарқалган эди. Бундан ташқари, бундай қиммат металлдан ясалган идишларни ташки ва ички тарафларидан бўртма усул билан солинган тасвирларни тушириш ҳам кенг расм бўлган эди. Бу тасвирлар ичида энг кенг тарқалганларидан бири бу турли илоҳий ва афсонавий ҳайвонларни тасвирларини тушириш одатининг кенг тарқалганлигидир. Бу ҳайвонлар қаторига зардуштийликдаги илоҳий ҳумо қушининг тасвири, ўликни суягини гўштидан тозалайдиган йиртқич қуш - бургут тасвири, учар от тасвири, бўйнига лента тақилган ва жуда катта тезликда чошиб кетаётган эчки тасвири, кийик тасвиридаги ўлжасини устида мағрур турган шер тасвири ёки бошига шохнинг тожини қийиб олган суворийнинг орқа оёқларида тик туриб ҳамла қилаётган шерни оғзига найза тикаётганлиги тасвири туширилган жуда кўплаб расмларни тушириш кенг миқёсда расм бўлган эди [16].

Албатта, сополнинг юза қисмига бундай тасвирларни тушириш жуда қийин бўлиб, уни ҳамма уста ҳам эплай олмас эди. Аммо Сўғднинг илк ўрта аср даври кулоллари қумуш идишларнинг умумий шакллари деярли айнан ярағишта муваффақ бўлдилар [16]. Бундан ташқари, қумуш идишлардаги рельефли шакллари, айниқса ҳайвонларни тасвирларини сопол идишларга қўчириш имконияти жуда қийинлиги туфайли уларнинг айрим хилларини кулолчилик идишларида тайёрлаш имкониятига эга бўлдилар. Бундай кулолчилик идишларини тайёрлаш даврида кулол идишнинг ички ёки ташки томонидан бармоғи билан босиш йўли билан идишнинг ички тарафида

ёки идишнинг ташки тарафида кабарик шакли из қолдирган.

Демак, жамиятнинг бой катлами учун ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг ўшандай катта маблагга эга бўлмаган камбағалроқ қисмининг эҳтиёжини қондириш учун жамиятда спода сепилган идишларни пайдо бўлишига, рельефли (кабарик), ойнахоесимон идишларни пайдо бўлишига олиб келган.

Сўғд ҳудудида бундай идишларнинг турли хилларини кружкаларда кўриш мумкин. Кофир-кальа худди шундай қулолчилик буюмлари ишлаб чиқариш бўйича марказ эди. Сўғд кружкалари стратиграфиясига эътибор берадиган бўлсак, у хронологик жиҳатдан бир-биридан фарқ қилувчи иккита босқичга бўлинади. Дастлаб, кружкаларнинг устки қисми вертикал, остки қисми эса думалоқроқ қилиб ишланган шакллари кенг тарқалган бўлса (VII – VIII асрлар), кейинроқ (VIII – IX асрлар) устки қисми цилиндр ёки радиал шаклдаги, пастки қисми конуссимон шаклдаги кружкалар ишлаб чиқилди.

Демак, Нахшабда, шу жумладан, Сўғда илк ўрта асрларда бир-биридан кескин фарқ қилувчи учта қулолчилик комплексларини бирин-кетин қелишини кўрамиз. Биринчиси IV асрнинг иккинчи ярмидан – VI асрнинг охиригача бўлган даврни эгаллаган бўлиб, таркибда яқин 40% қўлда ясалган идишлардан иборат бўлган. Бу идишларни катта қисмини овқат пиширадиган қозонлар, қўзалар, диний-илоҳий маросимларда фойдаланиладиган қўл оташдонлари, икридон ва чироқдонлар, учоқларни ёнига ва қозонларни тагига қўйиладиган тагликлар ташкил қилар эди. Қулолчилик чархида ишланган идишларни жуда катта қисмини миниатюра шаклидаги қўзачалар, юқори томонга бироз чўзинчоқ қилиб ишланган юпка косалар каби идишлар ташкил қилган. Бу давр қулолчилик комплекслари антик даврдаги қулолчилик комплексларидан ва милонинг VII – VIII асрлар комплексларидан шунчалик катта фарқ қилади-ки, бу давр маданиятини “Сўғдийлар ва эфталийлар маданиятлари симбиози” даври деб айтсак хато қилмаган бўламиз.

Сўғд ҳудудидаги кейинги комплекслар VII – VIII аср комплекслари бўлиб, бу давр қулолчилигида жуда ҳам кўплаб катта ўзгаришлар бўлганлигини кўрамиз. Яъни илк ўрта асрларда Сўғд ҳудудларида ва Эронда жуда кўплаб қумушдан ва олтиндан ясалган идишларлар пайдо бўлади. Бизнинг Ўрта Осиё шароитида эса худди шу идишларга тақлид қилинган ҳолда тайёрланган идишлар пайдо бўлганлигини кўрамиз. Бу комплексларга цилиндро-конус шаклидаги ёки юқори қисми цилиндр, пастки қисми думалоқ шаклдаги кружкалар, ойнахоё шаклидаги жумракли идишлар, жуда кўплаб зооморф ва антропоморф шаклидаги ёпишириқлар кенг тарқайди. Бу давр маданиятининг ўзидан илгариги V – VI аср комплексларидан фарқи аниқ кўриниб турибди. VII – VIII аср комплекслари Ўрта Осиёдаги “Сўғд-турк маданиятлари симбиози” даврига тўғри келади [20]. Айнан шу даврнинг ҳужалигидаги, маданиятидаги таракқиёт назарда тутилиб, бутун бошли давр

тарихий адабиётларда “Сўғдлар даври” деб аталиш маълум эди. А.Отахўжаев томонидан сўғд тилидаги ёзма манбаларнинг таҳлили асосида ёзган ишда бу давр тарихи ва маданиятини “турк-Сўғд симбиози” деган атама билан номланиши айтилган, деб уйлаймиз. Бизни Нахшаб хунармандчилиги маҳсулотларини, айниқса, темирчиликни ўрганишимиз бу нарсани тасдиқлайди.

Учинчи босқичда Сўғд ҳудудида энг дастлабки сирланган сопол идишларнинг тарқай бошлаган даври, лекин ҳали Сўғдларнинг устки қисми вертикал ёки радиал шаклда, остки қисми эса конуссимон қилиб ишланган идишларнинг, яъни кружкаларнинг, ойнахоесимон шаклда ясалган жумракларнинг сақланиб қолган даврига тўғри келади. Бу давр Ўрта Осиёнинг араблар томонидан босиб олинган даврдан сомонийлар давлати давригача бўлган даврни эгаллайди [18]. Сомонийлар даври қулолчилигининг намуналари Ўрта асрлардаги Насаф (Шулликтепа) ёдгорлигининг IX XII аср қатламларида жуда яхши берилган.

Бундан Ўрта Осиёда, шу жумладан, Нахшабда сирланган идишлар араблар билан бирга кириб келган экан, деган хулоса қилиб чиқмаслиги керак. Ҳамма гап шунда-ки, Ўзбекистоннинг жануби Сурхондарё вилоятидаги Айритом ёдгорлигидан қушонлар даврига оид идишнинг икки томонидан сарик ва яшил сир берилган чиларни топишганлиги маълум [5]. Парфия давлатининг ғарбий ҳудудларида сирланган идишларни кенг тарқалганлигини биламиз. Шунини учун жануби Туркменистоннинг Эски Нисо ёдгорлигидан ҳам хаворанг-яшилроқ рангдаги сирланган идишлар топишган [17. 8]. Аммо бу топишмалар Ўрта Осиё ҳудудида ҳам қадимги даврлардаёқ сирланган идишлар кенг миқёсда ишлаб чиқилган дегани эмас. Бу даврда антик давр маданияти хусусиятларидан қилиб чиқиб, асосий эътибор идишни шаклини пластик жиҳатдан қишлоқли, ихчам ҳамда қора ёки қизил ангоб билан қоплаб унга сайқал берилган одати кенг миқёсда тарқалганлиги билан изоҳланиши керак. Бундан ташқари, Ўрта Осиё шароитида сирланган идишлар ишлаб чиқариш кенг миқёсда тарқалмаганлигига бу ерда шишадан ясалган идишларнинг кам бўлса ҳам борлиги сабаб бўлди [1]. Назаримизда И.Ахроров Ўрта Осиё ҳудудидаги сополларни пиширадиган хумдонларни ўрганиш асосида “бу ерда антик даврда сирланган сопол идишлар ишлаб чиқарилиши ҳали йўлга қўйилмаган эди ва бундай идишларни кенг миқёсда ишлаб чиқариш фақат араблар истилосидан кейингина бошланган” [4], деган хулосаси ўз пайтида айтилган ва нихоятда тўғрилигини кўрсатади.

Аммо сирланган идишларни Ўрта Осиёда пайдо бўлган вақти тўғрисида турли муаллифлар турлича фикр билдирадилар. Жумладан, Самарқанднинг сўнгги ўрта асрлар этнографияси бўйича жуда кўп ишларни қолдирган И.А.Сухарев Афросиёда илк сирланган идишлар араблар билан VIII асрнинг 20-30 йилларида пайдо бўлган дейди [22]. Муълақо бунга қарама-қарши ва нотўғри фикрни В.Л.Вяткин айтган. Унинг фикрича, Ўрта Осиёга сирли сополлар четдан тайёр ҳолда IV – VI асрларда

келган деса, [6] Г.В.Шишкина Афросиёбда сирланган сополларнинг пайдо бўлишини IX аср билан даврлайди [31]. Кейинги йилларда Л.Соколовская ва Х. Ахунбабаев билан биргаликда Афросиёбда олиб борилган археологик ишлар натижасида сирланган идишларни пайдо бўлган даврини аниқлаштириб, уни VIII асрнинг иккинчи ярми билан даврлайди [3].

Хуллас, Ўрта Осиё халқлари сирланган сопол ишлаб чиқариш технологиясига жуда яқин йўналиш бўлган шишасозлик билан жуда қадимги даврлардан бўён таниш эдилар. Аммо бу ердаги кулолчилик чархда ишланган сопол идишларнинг нафислиги,

кизил ва қора ангоб билан бўяб, махсус кулолчилик асбоблари билан сайқал бериш техникасининг мавжудлиги сирланган сопол идишларни антик даврда кенг тарқалишига имкон бермади. Арабларнинг кириб келиши билан ғарбий ва жанубий мамлакатларда кенг тарқалган сирланган сопол идишлар ишлаб чиқариш технологияси ҳам қайтадан Ўрта Осиё ҳудудига кириб келди ва X-XII асрларда Ўрта Осиё шароитида ўз ривожланишининг энг юқори нуктасига чикди. Бу давр кулолчилиги тўғрисида Ўрта Осиёнинг барча тарихий маданий ҳудудлари бўйича йирик монографик асарлар ёзилган [31, 32].

АДАБИЁТЛАР

1. Абдуразаков А.А., Безбородов М.А., Заднепровский Ю.А. Стеклоделние Средней Азии в древности и средневековье. Ташкент: 1963. С. 103.
2. Адылов Ш.Т. Становление и развитие городской культуры Бухарского Согда по материалам стратиграфических исследований (IV в.до н.э. –VIII в.): Автореф. лисс. ...канд. ист. наук. Самарканд: 1987. С. 21.
3. Ахраров И. К истории появления поливной керамики в Средней Азии. ИМКУ, вып.6. Ташкент: 1965. С. 147-152.
4. Ахунбабаев Х.Г., Соколовская Л.Ф. Керамические комплексы Афрасиаба конца VII-VIII вв.н.э.// ИМКУ-27. Самарканд: "Регистон". 1996. С. 100.
5. Вязьмитина М.И. Раскопки на городище Айртам. Труды ТАКЭ, Т. 2. Ташкент: 1945. С. 32.
6. Вяткин В.Л. Афрасиаб – городище бывшего Самарканда. Ташкент: 1927. С. 41.
7. Григорьев Г.В. Городище Тали-Барзу // ТОВЭ, Т. 2, 1940. Рис. 6.
8. Ершов С.А. Археологические исследования на городище Старая Ниса, Труды ЮТАКЭ, т. I, стр. 121.
9. Зеймаль Т.И. Вахшская долина в древности и раннем средневековье (Археологические памятники и динамика ирригационных систем левобережья долины). Дисс. на соис. уч. ст. канд. ист. наук. Л.: 1969. С. 237-238.
10. Исамиддинов М., Матбабаев Б., Кучкаров Т. Предварительное изучение керамики поселения Куюлтепа северной Ферганы. ИМКУ, Вып. 18. Т. "Фан". 1983. С. 91-101.
11. Исамиддинов М.Х., Сулейманов Р.Х. Еркурган (стратиграфия и периодизация). Ташкент: 1984. С. 91-93.
12. Кабанов С.К. Археологические работы 1948 г. в Каршинском оазисе. Тр. ИИА АН УзССР, Т. II. Ташкент: 1950. С. 95. табл. 71.
13. Кабанов С.К. Изучение стратиграфии городища Афрасиаб // СА. М.: 1969. №1. С. 3, 28-30.
14. Крашенинникова Н.И. Два комплекса керамики II-I вв. до н.э. из нижних слоев Китаба. Ташкент: 1977. С. 85.
15. Левина Л.М. Керамика нижней и средней Сырдарьи в I тысячелетии до н.э. М.: 1971. С. 116. рис. 30, 125, 30, 30-36; 44-47, 51, 30, 61-64; 29, 47, 51; 28, 64, 15, 187-189.
16. Маршак Б.И. Согдийское серебро. М.: 1971. С. 4-32, 4-35, 22, 23, 25.
17. Массон М.Е., Пугаченкова Г.А. Парфянские ритоны из Нисы. Труды ЮТАКЭ, т.IV. Ашхабад: 1959. С. 21.
18. Мирзаахмедов Д.К. Ремесло Самарканда IX-XV вв. // Вестник МИЦАИ. Самарканд-Бишкек: 2007. С. 44-57.
19. Нильсен В.А. Кызыл-кыр // ИМКУ. Вып. 1. Ташкент: 1959. С. 72-73.
20. Отахўжаев А. Илк ўрта асрларда Марказий Осиё цивилизациясида турк-Сўғд муносабатлари. Ташкент: "ART-FLEX", 2010. С. 115.
21. Сулейманов Р.Х., Ураков Б.У. Результаты предварительного исследования античного городища селения Рамиш // ИМКУ. Вып. 13. С. 58. Рамиш-IV.
22. Сухарев И.А. Ранняя поливная керамика Самарканда. Самарканд: Труды УзГУ, новая серия, 14, вып.2. 1940. С. 15.
23. Тереножкин А.И. Согд и Чач. КСИММК, XXXIII. М.-Л.: 1950. С. 64.
24. Тереножкин А.И. Вопросы историко-археологической периодизации древнего Самарканда // ВДИ. 1949. №4. С. 72.
25. Тереножкин А.И. Вопросы периодизации и хронологии древнейшего Самарканда. Самарканд: 1972. №3. С. 100.
26. Тереножкин А.И. Памятники материальной культуры на Ташкентском канале. Ташкент: 1940. С. 46.
27. Толстов С.П. Древний Хорезм. М.: "МГУ". 1948. С. 352.
28. Толстов С.П. По древним делтам Окса и Яксарта. М.: 1962. С. 192.

29. Ураков Б. Культура Бухарского оазиса второй половины I тысячелетия до н.э. – первой половины I тысячелетия н.э. (на основе изучения керамических материалов): Автореф. дис. канд. ист. наук. М.: 1982. С.22.
30. Ураков Б.У. Керамика с городища Рамиштепа. // ОНУ. Ташкент: 1978. № 2. Рамиш-IV. С. 46.
31. Шишкина Г.В. Ремесленная продукция средневекового Согда. Ташкент: “Фан”, 1986.
32. Ташходжаев Ш.Р. Вопросы исторической классификации поливной керамики Афрасиаба. В сб. Из истории искусства великого города (К 2500-летию Самарканда). Ташкент: 1972.

РЕЗЮМЕ

Нахшаб – одна из древних исторических областей Средней Азии, которая находилась в долине Кашкадарьи на перекрестке важных путей, ведущих в среднеазиатское Междуречье из Ближнего и Дальнего Востока. В данной статье автор излагает свои мнения по вопросу развития производства керамики и исторического развития Нахшаба в эпоху раннего средневековья.

Ключевые слова: Средняя Азия, Нахшаб, шёлковый путь, керамическое производство, средние века, ремесло, историческое развитие, ангаб, Согд, эфталиты, симбиоз.

RESUME

Nakhshab was one of the ancient historical regions of Central Asia. This country was situated at the value of Kashkadarya on the crossroad of important ways, which lead to Central Asian between the two rivers from the near and far East. The author of this article presents his opinion about the development of production ceramic and historical development During the early Middle Ages.

Key words: Central Asia, Nakhshab, silk road, production ceramics, early Middle Ages, craft, historical development, angab, Sogd, eftalits, symbiosis.